

Куннинг муҳим воқеалари



Президент **Шавкат Мирзиёев** 28 август кунги саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ва саварадорликни ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.



Ўзбекистон Республикаси Президентини **Шавкат Мирзиёев** 27 август кунги Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов** билан телефон орқали мулоқот қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентини **Шавкат Мирзиёев** 28 август кунги XXXIII ёзи Олимпиада ўйинлари ҳоли ва соғирдорлари билан учрашди.



Ўзбекистон Республикаси Президентини **Шавкат Мирзиёев** 28 август кунги Туркия Республикаси маданият ва туризм вазирини **Меҳмет Нури Эрсой** бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Хужжатга кўра, Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармаси ташкил этилади.



Мустақиллик байрами муносабати билан пенсия тўловларини банк картасида олувчи фуқароларнинг сентябрь ойи учун пенсия тўловлари 1 сентябрь кунга қадар ўтказиб берилди. Бу ҳақда Пенсия жамғармаси хабар берди.



Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Ўзбекистон учун 2024-2028 йилларга мўлжалланган, мамлакатда яшил ва инклюзив иқтисодиётга ўтиш бўйича ислохотларни қўллаб-қувватлашга қаратилган янги ҳамкорлик стратегиясини бошлади.

ПЕДАГОГЛАР ЭНДИ САРСОН БЎЛМАЙДИ

«Ishonch» газетасининг шу йил 24 август кунги №-106-сонида «Педагоглар тиббий кўрикдан ўтиши шартми?» ҳамда ishonch.uz сайтида «Педагоглар тиббий кўрикдан қачон ўтади» сарлавҳали мақолалар эълон қилинган эди.

Уларда мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ходимларининг мажбурий тиббий кўрикдан ўтишда дуч келаётган муаммолари қаламга олинган. Мазкур мақолаларда қайд этилганидек, гарчанд мамлакатимизда соҳа ходимларини мажбурий тиббий кўрикдан бепул ўттишлари қонунад бепул ўттишлари қўйилишига қарамасдан, бу амалиёт қарийб ўн йилдан зиёд муддат мобайнида маблағ важи рўқач қилиниб, пайсалга солиб келинаётган. Жорий йилда ҳам қатор ҳудудларда ишловчи педагог ходимлар ушбу муаммога дуч келишди.

– Анча йилдирки, бу масалага бюджетдан маблағ ажратилмагани қатор тушунмовчилик ва муаммоларни туғдириб келаётган, – дейди Пайарик тумани СЭО ва ЖСМ раҳбари Маъруф Бурхонов. – Ўтган йили ҳам, бу йил ҳам, касба уюшмалари талаби билан бу тadbирни «насия»га амалга оширдик. Гарчанд иқтисодий томондан зарар кўрсак-да, ўқитувчиларни чиқимдор қилмаслик пайида бўлганмиз.

Ниҳоят молия ва мактаб олдиға ҳар йили кўндаланг бўлаётган масала ечимини топди.

Ижтимоий тармоқларда жорий йилнинг 26 август кунги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирликлари имзолаган қўшма хат эълон қилинди. Унда вазирликларнинг ҳудудий бошқармаларига педагогларнинг бир йилда бир маротаба бепул мажбурий тиббий кўрикдан ўтишларини таъминлаш вазифаси юклатилди. Бу йўналишга давлат бюджети ҳисобидан жорий йилда 71,4 миллиард сўм ажратилганлиги эслатилиб, ушбу маблағлар тиббиёт муассасаларининг тегишли харажатлар сметаларига режалаштирилгани айтилади. Демак, энди пулдан муаммо бўлмайди.

Ўқитувчи ва мураббийларнинг ақсариёти «йўли»ни қилиб, бу «имтиҳон»дан ўтиб олган бўлса-да, ушбу хушхабар барчани мамнун этганига шубҳа қилмаймиз.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



КАСАБА УЮШМАЛАРИ БЎЛИНМАЛАРИ ВА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ АДЛИЯ ОРГАНЛАРИДА ҲИСОБГА ҚЎЙИЛАДИ

2024 йил 14 августда «Юридик шахс мақомига эга бўлмаган касба уюшмалари ташкилотларини ҳисобга қўйиш тартиби белгиланаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонун кучга кирди.



Маълумки, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга асосан касба уюшмаларининг бўлинмалари, бошланғич касба уюшмалари ташкилотлари юридик шахс мақоми билан ёки юридик шахс мақомисиз ташкил этилиши мумкин. Бугунги кунда касба уюшмалари тизимида юридик шахс мақомисиз ташкил этилган 34 мингдан ортиқ бошланғич ташкилот мавжуд.

– Амалиётда юридик шахс мақомига эга бўлмаган касба уюшмаларининг бўлинмалари ва бошланғич касба уюшмалари ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича норма мавжуд эмаслиги уларнинг ўз фаолиятини тўлақонли амалга оширишда қийинчиликларни юзага келтирмоқда, – деди сенатор К.Санакулов. – Шу боис, Пре-

зидентимизнинг «Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди юридик шахс мақомига эга бўлмаган касба уюшмаларининг бўлинмалари ва бошланғич касба уюшмалари ташкилотларининг тўлақонли фаолият олиб боришини таъминлашга оид вазифалар белгиланган.

Ўз навбатида, юридик шахс мақомига эга бўлмаган касба уюшмаларининг бўлинмалари ва бошланғич касба уюшмалари ташкилотлари томонидан молиявий ва шартномавий муносабатларга киришишда ҳам уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги катта аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, «Юридик шахс мақомига эга бўлмаган касба уюшмалари ташкилотларини ҳисобга қўйиш тартиби белгиланаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонун билан юридик шахс мақомига эга бўлмаган касба уюшмаларининг бўлинмалари ва бошланғич касба уюшмалари ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари мустахкамланди. Уларнинг мажбуриятлари юзасидан тегишли касба уюшмасининг жавобгарлиги оширилди.

Шу муносабат билан қонунга кўра «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга ва Солиқ кодексига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди.

Қонунга киритилаётган қўшимчалар ва ўзгартиришларга асосан юридик шахс мақомига эга бўлмаган касба уюшмаларининг бўлинмалари ва бошланғич касба уюшмалари ташкилотлари ўз ихтиёрига кўра адлия органларида ҳисобга қўйилади.

Адлия органларида ҳисобга қўйилган юридик шахс мақомига эга бўлмаган касба уюшмаларининг бўлинмалари ва бошланғич касба уюшмалари ташкилотларига солиқ тўловчининг идентификация рақами уларнинг ихтиёрига кўра берилади.

Мазкур қонун юридик шахс мақомига эга бўлмаган касба уюшмаларининг бўлинмалари ва бошланғич касба уюшмалари ташкилотларини рўйхатга ва ҳисобга олиш ягона орган орқали амалга оширилишига замин яратди. Шу билан бирга, қонун улар томонидан шартномавий-ҳуқуқий муносабатга киришилганда юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлиқни аниқ белгилашга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Касаба уюшмаси аралашга...

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат инспекторлари томонидан тегишли ҳужжатларга асосан, Оҳангарон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамда Олмалиқ шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги марказида ўрганиш ўтказилди.

ИШ ҲАҚИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ

Ва шунинг билан айтиш мумкин, касба уюшмалари нафақат ишчи-ҳодимларнинг, балки раҳбарларнинг ҳам ишончи ва таъинчи бўла олиши айнан мана шу ўрганишларда ўз исботини топди.

Маълум бўлдики, Оҳангарон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Нусратилло Холиқовга 2021 йилнинг июль ойидан бошлаб, 18 миллион сўмдан зиёд, 2022 йилда 45 миллион сўмдан ортиқ, 2023 йилда 52 миллион ҳамда 2024 йилда 24 миллион сўмга яқин, жами 139 миллион 386 минг сўм иш ҳақи кам ҳисобланган.

Шунингдек, ушбу муассасада даволаш ишлари бўйича ўринбосар лавозимида ишловчи Ферат Ибадуллаевнинг 2021-2024 йиллардаги иш даври ҳам ўрганилди. Унга кўра, ҳозирги кунгача 93 миллион 268 минг сўм, бош ҳамшира Хуршида Шамшихоновага эса, 2021 йилдан буён жами 119 миллион сўм иш ҳақи кам ҳисоблангани тасдиғини топди.

Олмалиқ шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги туман маркази бўлими бошлиғи Фар-

рух Мусаевга ҳисобланган иш ҳақи ҳам кўриб чиқилди. Маълум бўлдики, унга 2021-2022 йилларда жами 50 миллион 477 минг сўм кам иш ҳақи ҳисобланган.

Меҳнат инспекторлари бундай қонунбузилиш ҳолатларига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги, Молия ҳамда Адлия вазирликлари тиббиёт ҳодимлари меҳнатига ҳақ тўлашга оид ҳуқуқий-норматив ҳужжатларга амал қилмаслик, бунга бюджет маблағларини тақсимловчилар ҳамда ҳисобчиларнинг масъулиятсизлиги сабаб бўлганини таъкидлади.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича бўлиб ўтган судда фуқароларга ҳар бир йил учун нотўғри ҳисобланган маблағларнинг тўлаб берилиши бўйича ҳал қилув қарори чиқарилди.

Муҳаммаджон

РЎЗМЕТОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори



Насиба Хотамова келини Зухра билан «Аёллар дафтари»нинг ишсиз хотин-қизлар рўйхатида киритилганди. Кўп ўтмай, улар даромадли ишга қўл уришди. Чорвачилик билан шуғулланишлари учун имтиёзли кредит ажратилди. Қисқа вақт ичида пластик карталарига тушириб берилган 20 миллион сўмга яхши қорамоллардан сотиб олишди. Ҳозир бу хонадонда кунига 5 бош соғин сигирдан 50 литрдан сут соғиб олинаётир. Қаймоқ, сариёғ, сузма бозорга чиқарилмоқда. Кунлик даромад 250-300 минг сўмни ташкил этмоқда.

«АВВАЛЛАРИ БУНДАЙ АФЗАЛЛИКЛАР ҚАЙДА ЭДИ?»



– Авваллари бундай афзалликлар қайда эди? – дейди Насиба Хотамова. – Имтиёзли кредит 4 йилга берилди. Уни олишда муаммо бўлмади. Икки келиним билан уч киши ишли бўлдик. Боёвут туманининг «Совотобод»

маҳалласидаги 1004 нафар хотин-қиздан 89 нафари турли тоифалар бўйича «Аёллар дафтари»га киритилган. Улардан 6 нафари Боёвут шаҳарчасида жойлашган «Боёвут Котон» текстиль фабрикасига, 34 нафари «Агро Глобал» корхонасига доимий ишга жойлаштирилган. 8 нафар аёлга чорвачилик ва пазандачилик йўналишлари учун имтиёзли кредитлар берилди ва улар ўзларини иш билан банд этишди. Айрим аёллар Гулистон шаҳридаги мономарказда ўқитилиб, касб-хунарли бўлишди. Боқувчисини йўқотган аёллар, қарамоғида ногирон фарзанди бўлганлар, ёлғиз, уй-жойи таъмирга муҳтож опасингилларнинг бирортаси эътибордан четда қолаётгани йўқ. Маҳалла хотин-қизлар фаоли Малохат Қаландарова уларнинг ҳар бирини яқиндан билади,

аёллар муаммосини ўзиникидек қабул қилади. Маҳалла «еттилиги»нинг ҳам-жihatликдаги фаолияти туфайли ишсизлар сони камайиб, ҳар бир хонадон яратилган имкониятлардан кенг фойдаланмоқда.

«Аёллар дафтари» бўйича вилоятга бириктирилган ишчи гуруҳ аъзолари маҳаллада олиб борилаётган ибратли ишларни алоҳида таъкидлаб, муаммолар ечими юзасидан ўз тақлифларини беришди.

«Совотобод» маҳалласида уй-жойга муҳтож аёллар йўқ. Ким билан гаплашманг, тилида шукроналик, дилида розилик. Шундан бўлса керак, қишлоқ файзли ва тароватли.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

АКАДЕМИК БЕҲЗОД ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, физика-математика фанлари доктори, академик, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Беҳзод Йўлдошев 2024 йил 28 август кунин 79 ёшида вафот этди.

Б.Йўлдошев 1945 йил 9 майда Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент давлат университетини физика мутахассислиги бўйича тамомлади. Меҳнат фаолиятини 1968 йилда Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти стажёр-тадқиқотчиси сифатида бошлади. 1972 йилда номзодлик, 1982 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Юқори энергиялар физикаси соҳасида халқаро миқёсда кенг эътироф этилган олим Ядро физикаси институти директори, Фанлар академияси президенти лавозимларида ўзининг юксак илмий ва ташкилотчилик салоҳиятини намоён этди. Юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш, хорижий илмий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, илмий натижаларни иқтисодиёт тармоқларида қўллаш ишларига муносиб ҳисса қўшди.

Кейинги йилларда Фанлар академияси президенти сифатида илм-фан соҳасини модернизация қилиш, академия тузилмасини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантиришга раҳбарлик қилди.

Ёрқин истеъдод ва чуқур билимга эга бўлган Б.Йўлдошев узоқ йиллик илмий фаолияти давомида ядро физикаси ва элементар заррачалар физикаси бўйича қўллаб қашғиётлар муралли сифатида танилди. Олимнинг 400 дан ортиқ илмий ишлари, монографиялари, ядро тадқиқотлари бўйича фундаментал тадқиқотлари нуфузли хорижий наشرларда чоп этилган. Унинг раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

У Халқаро атом энергияси агентлигида фан бўйича маслаҳатчи, АҚШнинг Вашингтон ва Стенфорд университетлари, Бирлашган ядро тадқиқотлари институти профессори лавозимларида ишлаган. Бир қатор ривожланган мамлакатлардаги илмий лабораторияларда халқаро тадқиқотчилар гуруҳлари томонидан бажарилган йирик экспериментлар ҳамда ядровий хавфсизликни мустақамлаш ва ядро қуролларини тарқатмаслик бўйича амалий ечимлар ишлаб чиқиш юзасидан йирик лойиҳаларга раҳбарлик қилган.

Б.Йўлдошев юртимизда миллий парламентаризмни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. 2000-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, кейинги вақтда Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида самарали фаолият олиб бориб, илм-фан соҳасини ривожлантиришга оид қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ўзининг жонқурлиги ва фидойилигини намоён этди.

Академик Б.Йўлдошевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони, «Фидокорона хизматлари учун» ва «Меҳнат шухрати» орденлари, Беруний номидаги давлат мукофоти, «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат қўрсатган фан арбоби» унвони билан мукофотланган эди.

Фидойи олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Беҳзод Йўлдошевнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОВА, Н.ИСМОИЛОВ,
А.АРИПОВ, Ш.АЮПОВ



ТАСАВВУРГА ҲАМ СИҒМАГАН ИШЛАР

ёхуд Гулором қандай қилиб ишбилармонга айланди?

«Аёллар дафтари» хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш баробарида улардаги ишбилармонлик қобилиятининг юзага чиқишида ҳам кўмакдош бўляпти. Биргина Оқдарё туманида шу йилнинг ўтган даврида 512 нафар аёл ана шу тизим ёрдамида тадбиркорлар сафига қўшилди.

Гулором Қаршиева ҳам кун келиб ишбилармонга айланишини тасаввур қилмаганди. У рўзгордаги тўқинчиликка ҳисса қўшиш учун турли юмушларни бажарди. Фермер хўжалигида мавсумий ишлади, ўзини «ўтга-чўкка» уриб кўрди. Аммо қўлидаги гулдаи хунарининг бир кун келиб асқатишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Ишчи гуруҳи оила шароитини ўрганиб, уни ҳам «Аёллар дафтари»га киритди. Мулоқотда Гулором юмшоқ ўйинчоқлар расой олишини айтди. Унга бу йўналишда ўз иқтидорини сынаб кўриш тавсия этилди. Имтиёзли кредит асосида тикув машиналари келтирилди. Даставвал оила аъзолари, кейинчалик маҳаллада «Аёллар дафтари»га киритилган уч нафар қўшниси билан бу юмушни бажаришга киришишди.

Фаолиятининг илк босқичида беш турдаги юмшоқ ўйинчоқлар бозорга чиқарилди. Харидоргир

маҳсулотга мижозлар кўпайди. Бир кунда 200 тагача юмшоқ ўйинчоқ ясаб, Тошкент ва Самарқандга етказиб берилди. Таалаб ортгач, фаолият турини кенгайтириш, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга астойдил киришилди.

– Айни чоғда тадбиркор аёлнинг ишлари юришиб кетган, – дейди ишчи гуруҳи аъзоси Орифжон Мизомов. – Ҳокимлик кўмагида ажратилган 130 миллион сўмлик кредит ёвазига қўшимча дастгоҳлар олиниб, қишлоқнинг 40 нафар аёл иш билан таъминланди. Бу ерда меҳнат қилаётганларнинг шу кеча-кундуздаги ойлик даромадлари 2,5-3 миллион сўмни ташкил этмоқда. Маҳсулот тури эса 25 тага етказилди.

Туманда «Аёллар дафтари» рўйхатида киритилган 1891 нафар хотин-қизнинг 1853 нафари фойдали, даромадли меҳнат турларига жалб этилган. Юз нафар хунарни аёл эса 389 та замона-

вий тикув дастгоҳи билан таъминланган. Боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд аёллар, ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронларига салкам 600 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани ҳам айни муддао бўлди.

– «Аёллар дафтари»га киритилган 17 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш қафолатини олдиқ, – дейди тумандаги «Бобур текстиль» корхонаси раҳбари Элёр Исаев. – Биз уларга касб сирларини ўргатиш баробарида ўртача 2-2,5 миллион сўм миқдоридagi ойлик маош билан таъминладик. Айни чоғда уларнинг барчаси моҳир тикувчига айланишган. Корхонамизда тайёрланаётган қўйлақлар маҳаллий бозорда устунлик мавқеига эришди. Эндликда тайёрлаган маҳсулотимизни экспортга йўналтириш чораларини кўряпмиз.

Бугун оқдарёлик аёлларда интилиш, изланиш кучайган. Уларнинг орзу-истаклари амалга ошишида «Аёллар дафтари» ҳар жихатдан кўмакчи бўляпти.

Нуриддин
ФАХРИДДИНОВ



Спартакиада

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 33 йиллиги муносабати билан ташкил этилди ва унда бундан аввалги икки босқичда юқори натижаларни кайд этган тармоқ корхоналари ишчи-ходимлари қатнашди.

Мусобақа якунига кўра, мини-футбол бўйича 1-ўринни Андижон вилояти жамоаси эгаллади. Стол тенниси бўйича эркаклар ўртасида самарқандлик Отабек Талибов, аёллар ўртасида жиззахлик Нодира Саидова, шахмат бўйича эркаклар ўртасида «Ўзметкомбинат» АЖ вакили Фозилжон Жамалов, аёллар ўртасида эса, андижонлик Гулчеҳра Умарова пешқадамлик қилишди. Шашка бўйича эркаклар ўртасида Самарқанд вилояти вакили Мирсаид Саидов, аёллар ўртасида «Ўзметкомбинат» АЖ ходими Зулайхо Ҳакимова биринчиликни кайд этишди. Шунингдек, сузиш бўйича Фарғона вилояти вакили Бекзод Шаропов, дартс спорт тури бўйича «Ўзметкомбинат» АЖ вакили Ханифа Қўзиева энг яхши натижаларни кайд этишди. Арқон тортиш мусобақаси бўйича ҳам «Ўзметкомбинат» АЖ жамоаси устунликка эришди.

Ғолибларга Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабая уюшмаси Республика кенгашининг эсдалик совғалари ва дипломлари топширилди. Учрашув сўнггида иштирокчилар учун маданий ҳордиқ ташкил этилди.

Нигора
РАҲИМЖОНОВА

Ҳуқуқий маслаҳат

ИШ БЕРУВЧИ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА БЕКОР ҚИЛОЛМАЙДИ?

Меҳнат муносабатларида қарор ва қонунларни амалда тўғри қўллаш юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларнинг олдини олишга хизмат қилади. Ҳўш, иш берувчи ва ходим ўзаро келишув чоғида нималарга аҳамият қаратиши лозим. Мисол учун, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси қандай ҳолатларда бекор қилинмайди?

Шу ва бошқа саволларга Тошкент иқтисодиёт ва саноат техникуми директорининг Молия иқтисод ишлари бўйича ўринбосари Ҳамроқул ОРТИКОВ ойдинлик қилтирди.

– Биринчидан, ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш мумкин эмас, – дейди Ҳамроқул Ортиқов. – Агар корхона фаолияти тугатилаётган бўлса, меҳнат шартномаси бошқа ишга жойлаштириш шарт билан бекор қилиниши керак.

Иккинчидан, коронавирус инфекцияси билан зарарланиб, карантинга жойлаштирилган 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомиёллар) бўлган ходимлар.

Учинчидан, ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва таътилда бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди (корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно).

– Ишдан бўшатини билан бог-лик муаммолари вазиятда кимларга устунлик берилади?

– Малакаси ва меҳнат унумдор-

лиги бир хил бўлган тақдирда қуйидагиларга афзаллик берилади: қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимга; оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсга; мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимга; ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-хунаруқув юртларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимларга ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-хунаруқув юртларини тамомлаган шахсларга ўқини тугатгандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда икки йил мобайнида; касб касаллигига йўлиққан ёки иш вақтида жароҳат олган шахсга; уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган кишига;

атом объектларидаги фалокатлар оқибатида нурланиш ёки бошқа касалликларга йўлиққан шахсга; ногиронлиги атом объектларидаги фалокатлар муносабати билан бошланганлиги аниқланган ходимга.

Шунингдек, жамоа шартномасида ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган бошқа ҳолатлар назарда тутилиши мумкин. Штат қисқар-

ганлиги муносабати билан муддатидан олдин пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганлар (эркаклар – 58 ёшга тўлганда ва иш стажы камиди 25 йил бўлганда, аёллар – 53 ёшга тўлганда ва иш стажы камиди 20 йил бўлган тақдирда) шулар жумласидан.

– Меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида ходим қанча муддат олдин огоҳлантириши лозим?

– Иш берувчи ходимни камида икки ой олдин – меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан огоҳлантириши жоиз.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан, мазкур огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин. Яъни ходимнинг ёзма аризасига кўра, огоҳлантириш муддати пуллик компенсация билан алмаштирилади ва ходим билан тузилган меҳнат шартномаси тегишли тартибда бекор қилинади. Ушбу ҳолатда ходимга қонунчиликда белгиланганидек тўлов амалга оширилади.



ҚИЗҒИН БАҲСЛАР ОСТИДА КЕЧДИ

Бўстонлик туманидаги «Металлург» пансионатида Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабая уюшмаси аъзолари ўртасида V тармоқ спартакиадасининг республика босқичи ўтказилди.

Унда Андижон, Хоразм, Фарғона, Наманган, Жиззах, Тошкент, Самарқанд вилоятлари ҳамда «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятидан 8 та жамоа таркибида 140 нафардан зийб ёштирокчилар шашка, шахмат, стол тенниси, дартс, сузиш, мини-футбол, арқон тортиш ҳамда югуриш эстафетаси бўйича ўзаро куч сынашдилар. – Ҳозирда Ўзбекистон ме-

таллургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабая уюшмаси Республика кенгаши раиси Аҳмаджон Ҳаққулов. – Бугунги спартакиада



Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси Меҳнат инспекцияси томонидан Самарқанд вилоятидаги касаба уюмларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида амалий кўмак кўрсатилди.

МУРОЖААТГА МУНОСАБАТНИ ЎЗГАРТИРАЙЛИК

Мурожаатларни кўриб чиқишда қонунда белгиланган мезонлар муҳим аҳамият касб этади. Касаба уюмлари фуқароларнинг мурожаатлари асосида уларнинг муаммоларини, талаб ва эҳтиёжларини яқиндан ўрганиш, жойида ҳал этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилаб олган.

Жорий йилнинг ўтган ярим йилида турли тизимлар орқали 151 та ариза қабул қилинган бўлиб, жамоат ташкилотига дахлдор 45 та мурожаат ўз вақтида қаноатлантирилган. Ҳуқуқий мавзудаги юздан зиёд мурожаатчига тегишли тушунтиришлар берилган. Иш юритувида бўлган 6 та мурожаат юзасидан ҳамкорлар билан келишган ҳолда тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мурожаатлар билан ишлаш ўта масъулият билан ёндашувни тақозо этади, – деди инспекция бошлиғи Қобилжон Қирғизалиев касаба уюшма фаоллари билан учрашувда. – Бу борада юзакчиликка йўл қўйиш мумкин эмас. Амалий ёрдам доирасида мурожаатлар билан ишлашда кузатилган муаммо ва камчиликлар ўз ечимини топди.

Зоҳид ЯНГИБОВЕВ,
Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши Мурожаатлар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси

ЯНГИ ЁТОҚХОНА Фойдаланишга топширилди

Халқимизда «Тўйга тўёна билан» деган нақл бор. Чирчиқ давлат педагогика университетининг янги фойдаланишга топширилган навбатдаги 4-сонли 710 ўринли талабалар ётоқхонаси мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллигига муносиб совға бўлди.

Айни пайтда ушбу олийгоҳда 24 мингдан зиёд талаба таҳсил олаётир. Жами 41 млрд. сўм лойиҳа қийматида бунёд этилган ётоқхонада 177 та хона мавжуд бўлиб, 710 ўринга мўлжалланган. Унда талабаларнинг дам олиши, дарс қилишлари ва дарсдан ташқари машғулотлар учун барча шароитлар яратилган. Бинода ёритиш тизимига алоҳида эътибор қаратилган, кўпгина қуёш панеллари ўрнатилган.

– Бу тураржой талабаларга совға қилинди, – дейди Чирчиқ давлат педагогика институти ректори Ғофуржон Мухаммедов. – Бу билан ётоқхоналар сони 4 тага етди. Ҳамма хоналарда замонавий шарт-шароитлар мужассам.

Таъкидлаш керакки, бу ерда иккита мутахассисликка эга бўлган, халқаро талабларга жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган. Бунинг учун Кембриж дастури ўқув режасига киритилди. Шу билан



бирга, 15 нафар профессор-ўқитувчи Кембриж сертификатларини олишганини ҳам фахр билан айтишимиз мумкин. Энди улар халқаро миқёсдаги ўқитувчилардир. Бу, ўз навбатида, республи-

камиздаги таълим масканларини педагог кадрлар билан таъминлаш, уларнинг молиявий аҳволини янада яхшилашга хизмат қилади.

– Қашқадарё вилоятидан келганман, иккинчи курс талабасиман, – дейди Санъатшунослик факультети талабаси Шохруза Тожибоева. – Бу ердаги ётоқхоналарнинг ҳаммаси шинам. Замонавий мебеллар билан таъминланган, хаттоки, маданий хордиқ, бадантарбия учун ҳам барча имкониятлар мавжуд.

Кейинги йилда Чирчиқ шаҳридаги «Янги Ўзбекистон» масси-вида ҳам яна 500 ўринли талабалар ётоқхонаси қурилиши режалаштирилгани таъкидланган тадбирда йиғилганлар бинодаги шарт-шароитларни кўздан кечиришди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Қўшма Штатларининг Франкфуртдаги Америка гуруҳи штаби ҳузурида советларнинг ҳарбий алоқа миссияси ишлаган. Расмий маълумотларга кўра, унинг зиммасига Совет Иттифоқи ва Америка қўмондонлиги ўртасида чиқиб қоладиган низо-ларни ҳал этиш вазифаси қўйилган.

Бироқ совуқ уруш даврида миссия Бош штаб Разведка бош бошқармасининг жосуслик квартирасига айланади. Штатдаги ўн тўрт кишининг барчаси мазкур бошқарманинг офицерлари эди. Улар Америка ҳарбий иншоотларининг кўз билан илғамайдиган ва инструментал разведка, ёпиқ районларга сирли равишда кира оладиган, шунингдек, Федератив Германия вилоятларидаги маҳаллий агентлар билан доимий алоқа олиб боришар эди.

Совет разведкачилари анойилардан эмас эди. Айёрлик у сулла-рини қўлаб, таъқиб қилиб юрган аксилразведкачилардан қочиб кетишгани тўғрисида мисоллар етарли. Уларнинг қандай иш билан машғул бўлгани маълум бўлмаса-да, улар вақтини бекор ўтказмаганликлари аниқ.

70-йилларнинг охирига келиб, Махсус операциялар бўлими ташкил қилинадик, аввалига уларнинг ишлари юришмайди. Офицерлар сотилмасди, рақиблар уларни ўзларига оғдириб олишларини ҳаёл қилиб бўлмасди. Улар хизмат ва истикомат жойларини назоратсиз ташлаб қўйишмас, демек, «тингловчи ускуналар» жойлаштирилишга имкон берилмас эди.

Миссиянинг автомашиналари қаттиқ қўриқланадиган гаражда сақланардики, уларга яқинлашиш ҳам амримаҳол эди. Транспортни устакхонада таъмирлаш иши ҳам ҳайдовчи кузатувида амалга оширилди.

«Опель» заводида бир неча машина сотиб олиш бўйича буюртма берилганда, аксилразведкачиларда муаммо ечилишига умид туғилади. Руслар ҳам анойилардан эмас эди: машиналарни конвейердан чиққан заҳоти олиш, ҳатто уларнинг энг сўнг-



«ОПЕЛЬ» ИШТИРОКИДАГИ ЖОСУСЛИК

ги босқичи миссия ходими кузатуви остида бўлиши талаби қўйилади.

Немисларнинг Махсус операциялар бўлими мавжуд вазиятдан чиқиш йўлини ахтиради. Улар узок ўйлаб ўтирмасдан иккита «Опель» сотиб олади ва уни бир кечада эҳтиёт қисмларга ажратиб, яна такрор йиғиш машқини уddалашга киришишади.

Биринчи марта бу машқ учун 20 соат вақт сарфланади, кейинги сафар эса бу машқ 11 соатда уddаланади.

Навбат русларнинг автомобилни олишга қачон келишларида қолади. Аввалги ҳолатларда миссия вакиллари янги машиналар олиш режасини завод раҳбариятини окшом соатларида хабар беришарди. Вакил тўғри конвейер олдига келиб, машиналар ишлаб чиқариш суръатини бузмаслик учун қаторда турган биринчи машинани танлар эди. Шундан кейин офицер билан бирга келган рус механизми машиналарни махсус жиҳозлар билан текшириб кўргач, транспортлар заводдан олиб чиқиб кетиларди.

Ниҳоят қутилган кун келди. Олдиндан ёлланган завод қўриқчилари кечки соат саккизларда Махсус операциялар бўлими вакиллари «Опель»нинг энг сўнгги босқичи бўлган конвейерга ҳеч қандай тўсиқларсиз кириштиб юборишади. Уч соатдан кейин эса янги машина «ечинтирилиб», унга суҳбатларни тинглаб, ёзиб оладиган ускуналар, узок муддат ишлайдиган аккумулятор, ўта сезгир микрофон жойлаштириш иши бошланади. Саҳар олтида машина «тайёр» ҳолга келади.

«Жиҳозланган» машинани совет миссияси вакиллари бирор эътирозсиз қабул қилиб олишади.

Шундай қилиб, «радиолаштирилган» ҳар бир «Опель» Махсус операция бўлими ходимлари томонидан таъқибга олинади. Русларнинг ўзаро суҳбатлари ёзиб олиниб, таҳлил учун дарҳол Америкага жўнатиб турилади.

Бу муваффақиятли амалиёт натижасида советларнинг Разведка бош бошқармасининг Германия Федератив Республикасидаги агентураси фoш этилади.

Совет разведкачилари эса ошкор бўлиш сабабини узок вақт билолмай, ҳайратда юришади...

Аброр ХОН

Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши жамоаси



барча
юртдошларимизни
Энг улуғ ва энг азиз
байрамимиз
билан самимий
муборакбод этади!
Ватанимиз равнақи,
юртимиз тинчлиги
ва фаровонлиги
йўлида амалга
ошираётган эзгу
ишларингизда улкан
муваффақиятлар
тилайди.

Хонадонингизни
тинчлик-хотиржамлик,
осойишталик,
бахту саодат ҳеч
қачон тарк этмасин!



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси эълон қилади:

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани «Коронкўл» МФЙ ҳудудида барпо этилган яшил боғни лойиҳа смета ҳужжатлари асосида сўғориш учун ерости сув қудуғи қазиш ишларига бурғулаш корхоналарини шартнома асосида таклиф этади.

Ўз хизматларини таклиф этадиган корхоналарга қўйиладиган талаблар: мазкур йўналишда тажриба ва малакага эга бўлиши зарур.

Таклифлар 2024 йилнинг 10 сентябрига қадар қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли, Навбахор кўчаси, 2А-уй. Телефон: 94 666-92-90.

«Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси

Табрик



UZTELECOM

Бутун халқимизни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИГИ билан самимий табриклайди.

*Шу қутлуг кунларда барча-барчага
сиҳат-саломатлик, бахту саодат,
хонадонларига файзу барака тилайди.
Жаннатмонанд юртимизда тинчлик ва
осойишталик бардавом бўлсин!*

ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



MYACCIS:



2007-yil
11-yanvarda
O'zbekiston
Matbuot va axborot
agentligida 116-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalari
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

Hududlardagi
muxbirlar:

Qoraqalpog'iston
Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati –
(+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati –
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan
ma'lumotlarda manba
sifatida gazeta nomi
ko'rsatilishi shart.
Mualiflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
Z. Rixsiyev

Musahhihlar:

D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:

H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:30
Topshirildi – 23:50

Bahosi kelishilgan narxda

Manziliimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 026 ta

Shundan:

7 150 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasi –
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi,
41-uyda;

19 077 nusxasi

«Erudit» MCHJ
bosmaxonasi –
Samarqand shahri,
Spitamen ko'chasi,
270-uyda;

8 799 nusxasi

«Poligraf-Press»
MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri,
Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-811

1 2 3 4 5 6